O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 24 май, № 98 (3897) Чоршанба


## САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 май куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси раиси Клаус Мангольдни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан эканлигини таъкидлади.

— Сизнинг ҳар бир ташрифингиз ўзаро ҳамкорликка янги суръат бахш этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Сиз раҳбарлик қилаётган делегация сафида бу гал ёш ишбилармонлар ҳам борлиги эътиборлидир.

Клаус Мангольд 2005 йилнинг ноябрида бир гуруҳ ишбилармонлар ҳамроҳлигида Ўзбекистонга келган эди. Ўша ташриф асносида саноат, қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари каби қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб борилган, ишбилармонларнинг бизнес-форуми ташкил этилган эди. Бу сафар германиялик ишбилармонлар Самарқандда бизнес-конференция ўтказдилар. 24 май куни Сурхондарёда айни шундай тадбирни ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бундай учрашувлар икки томонлама манфаатдорлик асосидаги мулоқотлар узвийлик касб этганидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларида импортга нисбатан экспорт ҳажмининг ўсиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Ўтган йили бу борадаги умумий миқдор қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди.



Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси жамоатчилик органи бўлиб, 1952 йилда Германиядаги қатор корхоналар ва ишбилармон доираларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Қўмита турли соҳаларда фаолият юритаётган бир ярим минг компания ва корхонани бирлаштирган. Германиянинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш унинг асосий вазифаларидандир.

К.Мангольд айни пайтда "Даймлер Крайслер" концернининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамдир. Ушбу концерн ҳам юртимиз корхоналари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Юртимизга 1994-2004 йиллар давомида мазкур концернда ишлаб чиқарилган қарийб 600 дона "Мерседес" русумли автобус келтирилди.

К.Мангольд бошчилигидаги бу галги делегация таркибида "EADS", "MAN Ferrostaal AG", "LEMKEN GmbH" каби қатор етакчи компанияларнинг раҳбарлари бор.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Юй Хуньцзюн:*

## «ХИТОЙ ХАЛҚИ ҲАМИША МУШТАРАК МАНФААТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ ТАРАФДОРИ»



***Ҳар бир даврнинг ўз қонун-қоидаси бўлади. Бу қонун-қоидаларга мувофиқ, бирор давлат дунё сиёсат айвонида, жаҳон бозорида ўз ўрнини топиши учун аввало ишончли шерикларга эга бўлиши керак. Хитой Халқ Республикаси айнан шундай шерик эканлигига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди. Қувонч билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистонимиз ҳам ўз шериклари томонидан худди шундай кучли ва барқарор давлат сифатида эътироф этилди. Ўзбекистоннинг икки ва кўп томонлама халқаро муносабатларда йўлга қўйилган сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги алоқалари бу ҳақда гувоҳлик бериб турибди. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй ХУНЬЦЗЮН билан суҳбатимиз ХХР ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқалари хусусида бўлди.***

**— Муҳтарам элчи жаноблари, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ХХРга қилган ташрифи чоғида давлатларимиз ўртасида иқтисодий, савдо, энергетика, замонавий технологиялар соҳасида имзоланган битимлар ҳамкорликнинг мавжуд ҳолатига қай даражада таъсир кўрсатади?**

— Икки давлат раҳбарлари Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. 2004 йил июнь ойида Хитой Халқ Республикаси раҳбари Ху Цзиньтао Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган учрашуви чоғида Ху Цзиньтао Хитой тарафи Ўзбекистонга самимий дўст ва ишончли ҳамкор сифатида қарашини таъкидлаб, икки давлат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида муҳим таклифлар билдирди. Мамлакатлар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва шерикликни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларациянинг имзоланиши ташрифнинг самарали натижаси бўлди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида ҳам ҳужжатлар имзоланди.

Ўтган йил май ойида Ислом Каримовнинг Хитойга қилган давлат ташрифи ўрнатилган ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг мантиқий давоми бўлди. Ташриф чоғида ХХР раҳбари Ху Цзиньтао ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги яқин қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш юзасидан ошкора ва чуқур фикр алмашдилар. Кўплаб масалаларни ҳал этишда бир қарорга эришилди. Ташриф ниҳоясида ХХР ва Ўзбекистон раҳбарлари дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги Битимга имзо чекдилар. Мазкур тарихий ҳужжатнинг туғилиши хитой-ўзбек сиёсий муносабатларининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлигини, шу билан бирга, икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги янада такомиллашганлигини англатади. Қўшимча равишда, яна бир қатор ҳужжатлар, хусусан, божхона ишларида ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Мазкур ташриф хитой-ўзбек муносабатлари тарихида муҳим воқеалардан биридир ва у келажакдаги ўзаро алоқаларимизга стратегик таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда юқори даражадаги давлат раҳбарлари ташрифларида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнида икки томонлама алоқаларимиз кундан-кунга мустаҳкамланаяпти, икки мамлакат ҳамкорлиги барча соҳаларда кенг ривожланаётир. Айни пайтда икки томонлама ҳамкорлигимиз ҳам Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, ҳам БМТ доирасида кенгайиб бормоқда. Ишонаманки, умумий интилишлар туфайли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланади.

**(Давоми 2-бетда).**

***САМАРҚАНД.** Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси Клаус Мангольд раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси делегацияси иштирокида 22 май куни бизнес-конференция бўлиб ўтди.*

## ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-АНЖУМАНИ

Унда Самарқанд вилоятидаги йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналар, молия муассасалари раҳбарлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашдилар.

— Биз ўтган йил ноябрда Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикрлашган эдик, — деди К. Мангольд анжуманда. — Мамлакатингиз катта имкониятларга эга. Биз Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор берамиз.

Самарқанд вилоятида германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган ўнга яқин қўшма корхона мавжуд. Уларнинг сонини 2-3 баравар кўпайтириш имконияти бор. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, чинни, қурилиш материаллари ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларга Германия сармояси йўналтирилса, икки томон ҳам бундан катта манфаат кўриши табиий.

Конференцияда германиялик ишбилармонлар вилоят машинасозлик саноатига ҳам катта қизиқиш билан қараши таъкидланди.

Анжуман қатнашчилари келгусида амалга ошириладиган истиқболли қўшма лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар.

Германиялик меҳмонлар шаҳардаги қадимий обидаларни томоша қилдилар.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22-23 май кунлари бўлиб ўтган мажлисида депутатлар иккинчи ўқишда киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар.

Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишга, муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор масалалар, шунингдек муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси билан тартибга солинадиган соҳага тааллуқли бошқа бир қатор муҳим масалалар чуқур ва батафсил муҳокама қилинди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, шунингдек, қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишида иштирок этган мутахассислар ўз фикрларини баён этдилар. Муҳокама чоғида қонун лойиҳасининг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритилди. Билдирилган мулоҳазалар ва тушган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокама жараёнида баён этилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Ҳомийлар ҳадяси

Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойлардаги шохобчаларини қўллаб-қувватлаш соғлиқни сақлаш борасидаги давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Айни кунда Қорақалпоғистон пойтахтида ушбу илмий марказнинг замонавий филиали юқори савияда фаолият кўрсатаётир. 200 ўринли бу илмий-клиник муассасада 121 нафар малакали шифокор, шу жумладан, 7 нафар фан номзоди меҳнат қилаяпти.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига биноан илмий марказ филиали тубдан таъмирланди, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда, шунингдек, шошилинч педиатрия ҳамда шошилинч кардиология бўлимлари барпо этилди. Мазкур мақсадлар учун бюджетдан 1,1 миллиард, ҳомийлик ҳадялари ҳисобидан 436 миллион сўм сарфланди.

Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалида янги бўлимларнинг очилишига ва филиалга ҳомийлик ҳадялари топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали томонидан илмий марказ ва унинг шохобчаларига 10 та замонавий «Дамас» русумли автомашиналар ҳадя қилинди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев иштирок этди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғолиблар аниқланди

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Сиз Президент асарларини биласизми?" мавзуида интеллектуал танлов ўтказилди. Беллашувда университет битирувчилари Президент Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган эсселари билан иштирок этишди.*

*ЎзМУ Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси ташаббуси билан уюштирилган тадбир уч босқичда бўлиб ўтди.*

*— Талабаларнинг теран мазмунли битикларини кўриб қувондик, — дейди кафедра мудири Дилфуза Ҳабибуллаева. — Зеро, танловдан мақсад улар онгига ватанпарварлик, халқпарварлик руҳини сингдириш эди.*

*Танлов якунида "Энг яхши нотиқ", "Энг яхши таҳлил учун", "Энг яхши шарҳловчи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, совғалар топширилди.*

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Сўнгги соатда




## Майдон эгалари тан беришди

*Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадаси давом этмоқда.*

Унда 149 та эркаклар ва 108 та аёллар терма жамоалари ғолиблик учун дона сурмоқдалар. Ўзбекистон эркаклар жамоаси иккинчи турда майдон эгалари Италия шахматчилари билан учрашди. Унда Темур Гареев Пьерлужи Пилкопони, Антон Филиппов Роберто Могранзини, Сайдали Йўлдошев Фолько Кастальдони мағлубиятга учратди. Алексей Барсов эса Спартако Сарно билан дуранг натижага эришди. Умумий натижа 3,5:0,5 ҳисобида ўзбекистонлик шахматчилар фойдасига ҳал бўлди. Ҳамюртларимиз икки тур ўйинларидан сўнг 7 очко билан ўттизинчи ўриндан саккизинчи ўринга кўтарилишди. Биринчи ўринни эгаллаб турган Россия жамоаси ҳисобида 8 очко бор. Вакилларимиз кеча учинчи турда Австралия шахматчилари билан баҳсга киришди. Ушбу турда 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этди.

Аёллар терма жамоамиз биринчи турда Фиджи ороллари шахматчиларини мағлуб этишганди. Иккинчи турда польшалик «ақл гимнастикаси» усталарига 2,5:0,5 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Улар учинчи турда Нигерия шахматчиларига қарши дона суришди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Парламент ҳаёти*

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ДАЛАДА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг амалий семинари Тошкент вилоятининг Бўка туманида бўлиб ўтди. "Фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асослари" мавзусида ташкил этилган мазкур семинарда қуйи палата депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, қишлоқларда бўш иш ўринлари ташкил этилиб, янги мулкдорлар синфи шакллантирилаётгани, фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг аҳамияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнининг назоратга олинишига тўхталиб, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига даъвогарларни аниқлашда холисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очиқ-ошкора танловлар ўтказиш ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ барча масалаларни тўғри ташкил этиш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янада жадал ўсишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

## Айбдорлар жазоланади



Газетамизнинг шу йил 17 февраль сонида «Қўлтиқтаёқ оёқ бўлмас» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури тўғрисида»ги Фармонининг Шўрчи туманидаги 29-умумтаълим мактабидаги ижроси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Мазкур мақола юзасидан Шўрчи туман прокурори адлия маслаҳатчиси И.МИНГБОЕВ имзоси билан яқинда таҳририятимизга расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

*«Термиз тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигида жойлашган «Тараққиёт» МЧЖ раҳбари Сафар Ҳайитқулов 2006 йил январь ойида бош пудратчи тариқасида шу ҳудуддаги «Тараққиёт-Мангузар» МЧЖ билан 29- мактабда иш бажариш учун шартнома тузиб, пул маблағлари ўтказиб берган.*

*Бироқ «Тараққиёт-Мангузар» бошлиғи У.Ашуров мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 29-мактабнинг эски биносида шартнома асосида 9.726.853 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажариши лозим бўлган ҳолда 6.363.253 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарган. Лойиҳа смета ҳужжатларига қалбаки ёзувлар киритиш йўли билан 3.363.600 сўмни қўшиб ёзиб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.*

*Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан «Тараққиёт-Мангузар» МЧЖ бошлиғи У.Ашуров ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда».*

# Ўзгариш бор, аммо...

***Газетамизнинг ўтган йил 22 ноябрь сонида босилган «Оммавий машқлардан — саломатлик сари» сарлавҳали мақолада Жиззах вилоятидаги бир қанча мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг ўтилиши қониқарсиз эканлиги ҳақида сўз юритилганди.***

***Яқинда матбуот сўзи қандай натижа берганлиги билан қизиқдик.***




## Мавзуга қайтиб

Таъкидлаш лозимки, танқид тиғи қаратилган Зафаробод тумани мактабларининг кўпчилигида муаммо бўлган спорт анжомлари таъминоти ота-оналар, ҳомийлар ёрдамида ҳал этила бошланибди. Спорт майдончалари, мавжуд спорт заллари ҳолати, уларни жиҳозлаш, таъмирлаб туриш назоратга олинган. Мослаштирилган биноларда жойлашган мактаблар жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳам дарсларни мазмунли ўтиш учун имконият қидираётгани яхши, албатта. Жумладан, 16-мактабда мажлисхона ўрнида кичик спорт зали ташкил этилибди. Ёғин-сочинли кунларда Темур Ярашев ҳамда Наргиза Норқозоқовалар машғулотларни шинам, чиройли безатилган залда ўтишаётир. 12, 13-мактабларнинг спорт заллари, 2, 24-мактаблардаги майдончаларда дарс ўтиш учун бинойидек шароит яратилибди.

Туман ХТБ мудири Норбой Очиловнинг таъкидлашича, жисмоний тарбия дарсларига эътибор қаратилгач, «Умид ниҳоллари» ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг вилоят босқичида муайян натижалар қўлга киритилган. Туман шунқорларининг «Лочин» жамоаси ҳатто вилоят ғолиби бўлиб, республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зомин тумани ўқувчиларининг ҳам спортдаги муваффақиятлари талайгина. Ўтган йили ўғил-қизлар спортнинг волейбол, кураш, баскетбол, шахмат каби турлари бўйича республика мусобқаларида иштирок этишди. Тоғлик қизлардан 55 нафари шу йилдан бошлаб бадиий гимнастика билан шуғуллана бошлашди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги 30 га яқин тўгаракка 1128 нафар ўқувчи қатнаяпти. Уларнинг 485 нафари қизлардир.

Тумандаги 3, 6, 25, 39, 50-мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Ирода Маматқулова, Абдужаббор Ҳасанов, Элмира Цветкова, Абдурашид Соипов, Анвар Жўраевларнинг дарс бериш услублари, тажрибаларини нафақат туманда, балки вилоят бўйича оммалаштирса арзийди. Юқорида тилга олинган ютуқларнинг аксарияти ана шундай жонкуяр ўқитувчиларнинг меҳнатлари натижаларидир.

Афсуски, тумандаги барча мактабларда ҳам жисмоний тарбия дарсларининг ўтилишига масъулият билан ёндошилаяпти, деб бўлмайди. Пишағар қишлоғидаги 1299 нафар ўқувчи таълим олаётган 5-мактаб тумандаги кўзга кўринган, барча шароитларга эга илм даргоҳларидан саналади. Жисмоний тарбия дарсларини малакали ўқитиш учун спорт зали, қулай майдончалари бор. Аммо мактабда бўлган кунимиз бунинг аксини кўрдик.

Пайшанба куни 3-соатда 8«а» ҳамда 6«в»-синфларда дарс жадвали бўйича жисмоний тарбия дарси «ўтилаётган» экан. Қўштирноқнинг боиси ҳар икки синфнинг ўғил болалари футбол майдонида, қизлар қўл тўпи майдонида ўз билганларича тўп қувиб юришибди. Ҳар икки гуруҳ ҳам қаровсиз. Ўқитувчилар йўқ.

— Муаллимимиз анов ерда, чизиқ чиқазяпти, — деди бекорчи ўқувчилардан бири дарахтлар соясида ўтирган болалар томонга ишора қилиб.

«Чизиқ чизиш»га шайланаётган муаллим Тошкент педагогика коллежидан келган амалиётчи Юсуф Холмирзаев экан.

— 6-синф ўқитувчиси армияга кетган. 8-синф муаллими Шеркул Муҳаммадиев — малакада, — деди Ю. Холмирзаев. — Ўрнига мен дарс ўтаяпман.

— 8-синфлар иккига бўлиб ўқитилиши керак экан, — деймиз унга журнални кўрсатиб. — Иккинчи муаллим қаерда?

— Уйига меҳмонлар келишган экан. Жавоб олганди, — дея саволимизга мактабнинг илмий бўлим мудири Малик Эшмирзаев жавоб қайтарди.

6-синф журналида 20 мартдан 27 апрелгача жисмоний тарбия дарслари ҳақида ҳеч нарса ёзилмагани бу ҳолнинг анчадан буён давом этиб келаётганини кўрсатиб турибди.

Илмий бўлим мудирининг сўзларига қараганда дарслар ўтилаётганмишу амалиётчининг журналга ёзишга ҳақи йўқмиш. Шунинг учун муаллим топилмаса, келгуси ойдан жисмоний тарбия дарслари жадвалдан чиқарилармиш...

58-мактабда ҳам дарсларни кузатиш насиб этмади. 5-соатда жисмоний тарбия дарси ўтилиши лозим бўлган 9«б»-синф ўқувчиларини синфхонадан топдик. Ҳангомалашиб ўтиришган экан. Мактаб директори Ў. Пирмаматов мактаб жамоасининг қандайдир турнирга тайёрланаётганини, ўқитувчи ўша ёққа кетганини айтди.

Шунинг учун бошқалар бекор ўтириши керакми? Қолаверса, мусобақаларга тайёрланиш дарсдан ташқари пайтда бўлмайдими?

Қўшни — 46-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Илҳом Эргашевнинг дарсларини жадвалда кўрсатилганидан олдинроқ ўтиб тўйига кетганини эшитиб, ҳайратимиз янада ортди.

Хуллас, шунақа гаплар. Сўзимиз бошида туман мактабларидаги ибратли ишлар, қувончли натижалар ҳақида гапиргандик. Юқоридаги каби камчиликлар борлиги ачинарли, албатта. Энг ёмони, айрим мактаблар раҳбарларининг жисмоний тарбия дарсларига ҳалигача фан сифатида қарашга ўрганмаётгани, ўқитувчилар тайёрлаш, улар билан ишлашни ўрнига қўя олмаётганидир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Бўлди ажаб ҳангомалар

# ОМОНАТГА ХИЁНАТМИ?

***1992 йилда Шамси Бобохонов оиласи билан Америкага кўчиб кетади. Кетиш олдидан ўша йилнинг 24 январь куни ўзи яшаб турган, турмуш ўртоғи Вера Бобохонова номидаги Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Асқаров (собиқ А. Донской) кўчасида жойлашган 49-«А» уйни амакиси Абрек Бобохоновга қайтариб бериш шарти билан совға қилади. 2003 йилнинг июль ойида улар Абрек ака бетоблигини эшитиб Тошкентга келади. 2 июль куни амакиси билан Яккасарой туманидаги биринчи давлат нотариал идорасига бориб, уйни совға қилиш тўғрисидаги 1992 йилнинг 24 январь куни тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида келишув тузадилар. Лекин Абрек Бобохоновнинг турмуш ўртоғи Лидия Бобохонова бундан норози бўлади. Сўнг юқоридаги келишув менинг иштирокимсиз амалга оширилган, биз уйни таъмирлаганмиз, келишувни имзолаш пайтида турмуш ўртоғим руҳий касал — муомалага лаёқатсиз эди, деган важ билан судга мурожаат қилади. Шундан кейин суд жараёнлари бошланади.***

Ишни биринчи бўлиб кўриб чиққан Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди ўз қарори билан даъвони қаноатлантиради. Абрек Бобохонов 2003 йил 2 июлдаги келишувни имзолаган пайтда муомалага лаёқатсиз эди деб топади.

Навбатдаги суд жараёни 2004 йилнинг 9 март куни бўлиб ўтади. Ишни батафсил ўрганиб чиққан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг суд ҳайъати уни қайта кўришга жўнатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Ўша йилнинг 5 август куни Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судида иш иккинчи марта кўрилади. Суд иш материалларини ўрганиб чиққач, Лидия Бобохонованинг 2003 йил 2 июлдаги келишувни бекор қилиш тўғрисидаги даъвосини рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Шундан сўнг иш яна Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига келади. Чунки даъвогар қарордан норози бўлиб, апелляция шикояти ёзади, Яккасарой туман прокуратураси эса апелляция протести киритади. Суд ўзининг 2004 йил 28 сентябрь кунги ажрими билан Яккасарой туманлараро судининг сўнгги қарорини ўзгаришсиз қолдиради — даъвогарнинг апелляция шикояти ва прокурорнинг апелляция протестини қаноатлантирмайди.

Лекин бу билан ҳам ишга нуқта қўйилмайди. Суд ажримига бу сафар Тошкент шаҳар прокуратураси протест киритади. Шундай қилиб, иш энди Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг президиумида кўрилади. Суд президиуми иш материалларини ўрганиб, қуйидаги қарорга келади:

«Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 28 сентябрдаги ажрими рад этилсин ва янги апелляция текшируви учун юборилсин».

Ушбу қарорга асосан 2005 йилнинг 6 май куни Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси ишни яна кўриб чиқади. У ўз ажримида Вера Бобохонова ва Абрек Хаситович Бобохонов ўртасида 2003 йилнинг 2 июль куни тузилган ва Яккасарой туманидаги биринчи давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувни ҳақиқий эмас деб топади.

Юқоридаги иш билан танишиш жараёнида менда бир неча саволлар пайдо бўлди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 25- моддасига биноан совға қилинган буюм эр-хотиннинг эмас, совға эгасининг мулки ҳисобланади. Шундай экан, Лидия Бобохонова турмуш ўртоғига қайтариш шарти билан совға қилинган уйга нимага асосланиб даъво қилаяпти? Ва судлар нимага асосланиб, унинг даъво аризасини қабул қилаяпти?

2004 йилнинг 23 июнь куни берилган суд-психиатрия экспертизаси хулосасида шартномани бекор қилиш учун келишув тузган пайтда Абрек Бобохонов руҳий касал эди, деб эътироф этилган. Аслида экспертиза сиртдан ўтказилган. Участка врачи Н. Суслинанинг гапи асосида шундай хулосага келинган. Зеро, участка врачининг суд-экспертизага мутлақо алоқаси ҳам йўқ. Н. Суслинанинг таъкидлашича, Абрек Бобохонов унга биринчи марта 2003 йилнинг 11 март куни хотини билан биргаликда мурожаат қилган. У беморни текшириб «деменция» ташхисини қўйган, лекин руҳий беморлар рўйхатига киритмаган. Шундан сўнг улар октябрь ойигача жим бўлиб кетишган.

Бемор Абрек Бобохонов Яккасарой туманида доимий яшаш учун рўйхатга олинган. Лекин негадир уни Юнусобод туманидаги участка врачи Н. Суслина кўрикдан ўтказган. Нега? Ахир Яккасарой туманида ҳам участка врачи бор-ку. 2-сонли шаҳар психо-неврология диспансери бош врачи судда касаллар фақат паспортдаги тураржойига қараб ҳисобга қўйилишини таъкидлади. Унда қандай қилиб, бемор Абрек ака ўз туманидаги диспансерда эмас, бошқа тумандаги диспансерда рўйхатга олинган?

Юқоридаги суд-экспертиза хулосасида айтилишича, суҳбат пайтида Абрек Бобохонов ўз хотинини бошқа исм билан чақирган, руҳан тушкун ҳолатда бўлган, аста-секин хотирасини йўқота бошлаган.

Аммо худди ўша куни судья, суд котиби, адвокат ва бир неча эксперт иштирокида Абрек Хаситович билан суҳбат ўтказади. Бемор экспертларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб қайтаради. Ўзининг тарихи, оиласи ҳақида ҳеч бир қийинчиликсиз сўзлаб беради. Шундай экан, юқоридаги суд-психиатрия экспертизаси хулосасини тўғри деб бўладими?

Бундан ташқари, Абрек Бобохоновнинг 1993 йилдан вафотигача бўлган тиббиёт картаси кўриб чиқилганда, 2003 йилнинг 26 сентябригача унинг руҳий касаллиги ҳақида умуман ёзув йўқ. Яна шуни таъкидлаш лозимки, даъвогар Лидия Бобохонова Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига ва Адлия вазирлигига, шаҳар прокуратурасига Яккасарой туманидаги биринчи давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган келишувдан норози бўлиб ёзган шикоятларида турмуш ўртоғининг руҳий касаллиги, келишувни имзолаш пайтида ўз ҳаракатига жавоб бера олмайдиган ҳолатда эканлиги ҳақида бирор марта ҳам эсламаган.

Суд мажлисида сўралган нотариус Л. Леонова шартномани бекор қилиш пайтида Абрек Бобохонов ўз хоҳиши билан нотариал идорага келиб шартномага қўл қўйгани, унда ҳеч қандай касаллик аломати бўлмагани, ўзини жуда яхши ҳис этгани ҳақида айтади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2003 йилнинг 2 июль куни Яккасарой туманидаги биринчи давлат нотариал идорасига Абрек Бобохонов ўзининг шахсий «Москвич» машинасини ҳайдаб келган. Руҳий касал, ўз ҳаракатига жавоб беролмайдиган одам қандай қилиб шундай гавжум шаҳарда бемалол машина ҳайдаб юргани кишини ҳайратга солади.

Абрек Бобохонов ўша машинасини 2003 йилнинг 7 октябрь куни сотади. Олди-сотди шартномасини ўзи амалга оширади. Абрек аканинг руҳий касаллигини, муомалага лаёқатсизлигини важ қилаётган турмуш ўртоғи ҳам, судлар ҳам негадир бу олди-сотди шартномасига эътироз билдиришмайди.

2003 йилнинг 19 сентябрь куни Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг масъул ходими «Нуроний» госпиталига бориб, касалхона бўлим мудири иштирокида Абрек Бобохонов билан суҳбат ўтказади. Суҳбат давомида бемор шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишувга ўз хоҳиши билан имзо чеккани ва уни бузиш нияти йўқлигини баён қилган. 2004 йилнинг 20 август куни у вафот этади. Лекин ўлимига қадар, бирор марта бўлса-да, шартнома ҳақидаги келишувни бекор қилиш тўғрисида судга ёки бошқа идораларга мурожаат қилмаган. Демак, у 2003 йилнинг 2 июль куни тузилган келишувни бекор қилишни истамаган. Шундай экан, нега унга қайтариб бериш шарти билан совға қилинган уй тортишув ва можароларга сабаб бўлмоқда? Нега ҳамма нарса очиқ-ойдин кўриниб турган ишга сўнгги нуқта қўйиш бунча қийин кечаяпти?

**Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН БА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI FILIALI**

Сизларни «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида

2006 йил 23 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган нархи юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудудида жойлашган тугатилаётган «Оҳангаронлинпласт» очиқ акционерлик жамиятига қарашли бино ва иншоотлар ва мол-мулклари савдога қўйилади.**

***Умумий майдони — 23,0 га.***
***Бино ва иншоотлари — 18,6 га.***
***Ишлаб чиқариш майдони — 4,3 га.***

**Корхонага йил давомида 4 300,0 минг кв.м. линолеум, 23 000 минг кв.м. ҳар хил турдаги плёнка маҳсулоти ҳамда 200 тонна полиэтилен труба, пластмассадан тайёрланадиган ҳар хил турдаги 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга жиҳозлар ўрнатилган.**

***Биноларнинг қисқача тавсифи:***

- *майдони 9,12 кв.м., 10,56 кв.м., 9,42 кв.м., 26,52 кв.м. дан бўлган 4 та қоровулхона;*
- *майдони 273,7 кв.м., 53,11 кв.м., 1012,05 кв.м., 1273,3 кв.м., 12767,5 кв.м., 122,83 кв.м., 172,8 кв.м., 6210,9 кв.м., 313,73 кв.м., 172,63 кв.м., 43,68 кв.м. бўлган 7 та ишлаб чиқариш цехи ва 4 та ишлаб чиқариш бинолари;*
- *майдони 6,72 кв.м., 6,76 кв.м., 5,65 кв.м., 11,76 кв.м., 15,12 кв.м., 11,7 кв.м. бўлган 6 та ҳожатхона;*
- *майдони 914,86 кв.м., 336,42 кв.м., 402,28 кв.м., 203,7 кв.м., 673,5 кв.м., 89,79 кв.м., 97,44 кв.м., 162,56 кв.м., 301,66 кв.м., 74,71 кв.м., 742,14 кв.м. бўлган 11 та омборхона бинолари;*
- *майдони 207,36 кв.м., 106,79 кв.м., 114 кв.м. бўлган 3 та сув ҳовузи;*
- *майдони 665,82 кв.м., 298,87 кв.м., 982,8 кв.м., 32,16 кв.м. бўлган 4 та икки қаватли бино;*
- *майдони 919,8 кв.м. ва 1119,2 кв.м. бўлган 2 та иссиқхона биноси;*
- *майдони 320,76 кв.м., 76,7 кв.м., 17,1 кв.м., 443,05 кв.м., 419,56 кв.м., 510,3 кв.м., 987,6 кв.м., 66,24 кв.м., 22,18 кв.м., 115,2 кв.м., 24,36 кв.м. бўлган 11 та соябон;*
- *майдони 46,75 кв.м., 33,86 кв.м., 45,48 кв.м., 29,78 кв.м., 20,7 кв.м., 27,04 кв.м., 14,52 кв.м., 48,06 кв.м., 44,46 кв.м., 85 кв.м. (2 қаватли), 14,56 кв.м., 28,32 кв.м., 75,64 кв.м., 13,96 кв.м., 2251,1 кв.м.(3 қаватли), 1871,5 кв.м. (2 қаватли), 9,24 кв.м., 42,78 кв.м. бўлган 18 та таъминот бинолари;*
- *майдони 103,84 кв.м. бўлган ёнилғи мойлаш материаллари биноси, майдони 414 кв.м. бўлган бункер, майдони 581,41 кв.м. бўлган кран, майдони 105,09 кв.м. бўлган дўкон, майдони 262,08 кв.м. бўлган кутубхона, майдони 398,37 кв.м. бўлган ер ости сув омбори, майдони 614,84 кв.м. бўлган автосарой, майдони 221,44 кв.м. бўлган трансформатор подстанцияси, майдони 403,63 кв.м. бўлган ошхона биноси.*

**Шунингдек, умумий ер майдони – 14 723 кв.м., қурилиш ости ер майдони – 585,80 кв.м. бўлган Ўртачирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғонида жойлашган 2 қаватли "Дам олиш оромгоҳи".**

**Дам олиш маскани қуйидаги бинолардан ташкил топган: маъмурий бино — 368 кв.м., сауна — 54 кв.м., ошхона биноси — 163,8 кв.м.**

***Бошланғич баҳоси — 14 000 000 000, 00 сўм.***

**Бино ва иншоотлар, мол-мулклар сотилмай қолган тақдирда 2006 йил 30 июнь куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий нархи юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қўйилади.**

*Имкониятингизни бой берманг!*

**Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун ариза ва 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.**

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр к., 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.**
**Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31. Факс: 133-43-73.**

2672Н/973

**ELUS НАУЧНО-ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ,**

являющееся специализированным предприятием по производству высоковольтного оборудования, принимает заказы на изготовление:



- **ТРАНСФОРМАТОРОВ силовых масляных (2- и 3-обмоточных) мощностью от 25 кВА до 25000 кВА на напряжение 6-10 кВ, 35 кВ, 110 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ столбовых типа КТП мощностью от 25 кВА до 250 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **ГОРОДСКИХ КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа ГКТП (2 ГКТП) мощностью от 160 кВА до 630 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа КТП (2 КТП) мощностью от 250 кВА до 2500 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КРУН-10 (КРУВ-,10) типа К-59 МЭ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КМ-1Ф (М); К-104 МЭ с вакуумным выключателем;**
- **КАМЕР СБОРНЫХ серии КСО различных модификаций;**
- **РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РВО и РЛНД на 10 кВ (200 А, 400 А, 630 А);**
- **РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РДЗ на 35 кВ, 110 кВ, 220 кВ, (1000 А, 2000 А);**
- **ЗАЗЕМЛИТЕЛЯ ЗОН-110 (М), блоков С-35 на напряжение 35 кВ;**
- **ТРАНСФОРМАТОРОВ однофазных ОМП мощностью от 1,25 до 10 кВА на напряжение 6-10 кВА;**
- **ТРАНСФОРМАТОРОВ тока ТФЗМ-35 кВ, ТФЗМ-110 кВ, ТФЗМ-220 кВ.**




*Аттестат аккредитации испытательной лаборатории (центра) № UZ.AMT.07.MAI 525 от 2.09.2005 г.*

НА ВЫПУСКАЕМУЮ ПРОДУКЦИЮ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ.

*Готовы рассмотреть любые ваши предложения по поставкам низковольтного и высоковольтного оборудования.*

На поставляемую продукцию предоставляется гарантия. Предприятие располагает собственным конструкторским бюро и аккредитованным испытательным центром по проведению сертификационных испытаний.

***ТОВАР ПОД ЗАКАЗ***

Адрес Ташкентского представительства НПП «ЭЛУС»: г. Ташкент, ул. Муртазаева, 8. Тел.: 134-17-12, 134-97-16. Факс 134-17-20.

Адрес завода: г. Чирчик, Юмалак, ул. Рамазан, 109 а. Тел. (8-271) 3-05-82. Факс (8-271) 3-05-83.

**TURONIMPEKS SERVIS**

**Fliegl Fahrzeugbau GmbH (Германия) ширкатининг Ўзбекистондаги РАСМИЙ ВАКИЛИ сизга Fliegl Trailer русумидаги замонавий тиркагичлар, ярим тиркагичлар ва музлаттичли тиркагичларни Европадан таклиф этади. Буюртмангиз ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланади.**

Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Кунаев к., 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Факс: + 998 71 150-66-30.
www.fliegl.com




Маҳсулот сертификатланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент Молия институти жамоаси Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси Баҳодир Пахриддиновга падари бузруквори **Ортиқбой ота ПАХРИДДИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5